

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ИЛХОМ ЭРГАШБОЕВИЧ

**ЗОЛЬ-ГЕЛЬ ЖАРАЁНЛАР АСОСИДА ОЛИНГАН
НАНОМАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ АММИАКНИНГ
СЕЛЕКТИВ ГАЗ СЕНСОРЛАРИНИ ЯРАТИШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Абдурахманов Илхом Эргашбоевич

Золь-гель жараёнлар асосида олинган наноматериаллардан фойдаланиб
аммиакнинг селектив газ сенсорларини яратиш.....3

Абдурахманов Илхом Эргашбоевич

Создание селективных газовых сенсоров аммиака с использованием
наноматериалов, полученных с применением золь-гель процесса.....21

Abdurakhmanov Ilkhom Ergashbaevich

The elaboration of selective gas sensors ammonia with using of nanomaterials
obtained by sol-gel process.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАХМАНОВ ИЛХОМ ЭРГАШБОЕВИЧ

**ЗОЛЬ-ГЕЛЬ ЖАРАЁНЛАР АСОСИДА ОЛИНГАН
НАНОМАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ АММИАКНИНГ
СЕЛЕКТИВ ГАЗ СЕНСОРЛАРИНИ ЯРАТИШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

3

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PHD/K4. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кабулов Бахадир Джаббарович
--

кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Рўзимуродов Олим Норбекович кимё фанлари
доктори, доцент

Турабов Нурмухаммат Турабович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.:

(+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетнинг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.

Д. А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

З. А. Сманова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., доцент.

4

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда саноатни жадал ривожлантиришда, экологик муаммоларни ҳал этишда, айниқса, кимё, нефть ва газ кимёсининг жадал ривожланиши натижасида бутун дунёда вужудга келган атмосфера ҳавоси мониторинги муаммосини ҳал этишда селектив усуллар ва сезгир сенсорларни қўллаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Ярим ўтказгичли сенсорлар (ЯЎС) сезгир асбоблар жумласига киради ва уларнинг асосий қулайликлари ишлатишдаги оддийлиги, кичик ўлчамлилиги, ишлаш ресурсининг катталиги, юқори аниқлиги ва тезкорлигидан иборат.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноатнинг турли соҳаларига замонавий технологияларни киритиш, модернизация қилиш ва улар асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган қатор янги саноат корхоналари ишга туширилди. Ушбу корхоналарда газ аралашмалари назоратида кенг қўлланиладиган ярим ўтказгичли сенсорларни ишлаб чиқишда SnO_2 , TiO_2 , ZnO , In_2O_3 , MoO_3 , Fe_2O_3 , WO_3 ва V_2O_5 лар асосида олинган газсезгир материаллар аҳамиятли ҳисобланади. Булардан ўз кўрсаткичлари бўйича жуда муҳим бўлган TiO_2 ва Fe_2O_3 лар асосида золь-гель технология усулида олинган газсезгир материллар (ГСМ) алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, кимё саноати

соҳаларини ривожлантиришда, жумладан, золь-гель технологиялари асосида селектив ярим ўтказгичли газ сенсорларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида иқтисодиёт тармоқлари айниқса автотранспорт, энергетика ва саноат ривожланиб борган сари атмосфера ҳавоси экологик мониторингига бўлган талаб тобора ортиб бормокда. Жумладан, мавжуд анализ усуллари ва асбобларини такомиллаштириш, янги ярим ўтказгичли юқори сезгир сенсорлар яратиш, селектив газсезгир материаллар ҳосил қилиш жараёнларини илмий жиҳатдан асослаш кабилар долзарб масалалардан бўлиб, бу борада золь-гель технология асосида яримўтказгичли газсезгир материаллар олиш жараёни қонуниятларини аниқлаш, жараёнини оптимал шароитларини топиш, юқори эффектив ярим ўтказгичли сенсорлар ишлаб чиқиш, уларнинг метрологик, аналитик ва эксплуатацион тавсифларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги 142-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Илмий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, золь-гель технология усулида наноконпазицион материаллар синтези ва улар асосида газларнинг мониторинги учун усуллар ва сенсорлар яратишга катта эътибор қаратилган. Хусусан, хорижлик олимлар A. Setkus, D.M. Wilson, K. Fukui, K. Komatsu, T. Oyabu, Y. Ohta, T. Kurobe, Y. Ozaki, H. Yamaura, S. Hahn, N. Barsan, U. Weimar, B. Marquis, J. Vetelino, R. Negri, S. Reich ва кўплаб бошқалар наноконпазицион материаллар синтези ва газлар аралашмасини назорат қилиш учун усул ва сенсорлар яратиш билан шуғулланганлар. Ўзбекистон олимлари, жумладан Т.Қ.Хамракулов, Н.С. Зокиров, Р.Х. Жиянбаева, Б.Д. Кабулов, Х.И. Акбаров, А.М. Геворгян, А.М. Насимов, З.А. Сманова ва бошқалар ҳам ўз тадқиқотлари билан золь-гель технология асосида ноёб хоссали матереаллар синтези ҳамда атроф-муҳит объектлари назорати учун усул ва сенсорлар яратиш муаммосини ҳал этишга катта ҳисса қўшишган.

Янги технологияларнинг жорий этилиши ва аналитик назоратнинг

ривожланиши билан моддаларни аниқлаш усуллариининг сезгирлиги ва селективлигига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб боради. Нанокөмпозит ярим ўтказувчан материаллардан фойдаланиш газлар концентрациясини аниқловчи сенсорлар соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли замонавий йўналиши ҳисобланади. Оксид қаватларни тайёрлаш технологиясининг ривожланиши оксид материалларнинг функционал тавсифларидан келиб чиққан.

Адабиётларда келтирилган маълумотларнинг аналитик таҳлили аммиакни газлар аралашмасидан аниқлаш жараёнининг селективлигини таъминлашга бағишланган ишлар сонининг чегараланганлигини кўрсатади. Аммиак аниқлаш соҳасидаги мавжуд сенсорлар уларнинг портлашгача бўлган юқори концентрациясини аниқлашга имкон беради. Газларни аниқлашнинг оптик, электрокимёвий ва термокондуктометрик сенсорлари ва аналитик методлари ҳозирги кунда кенг ўрганилган. Аммо бу сенсорлар қатор камчиликларга эга бўлиб, улардан энг муҳимлари етарлича селектив эмаслиги, сигнал қийматининг ташқи омилларга боғлиқлигидан иборат. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, газлар аралашмасининг захарли ва портловчан таркибий қисмларини аниқлашнинг янги, такомиллаштирилган ва замонавий ярим ўтказгичли усуллари ва сенсорларини яратиш экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ФЗ-022 «Захарли ва портловчи газсимон саноат чиқиндиларининг гетероген-каталитик оксидланиш жараёни кинетикаси ва механизмини ўрганиш» (2007-2011 йй); ИДТ-12-07-«Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газсезгир органо-ноорганик наноматериаллар синтез

6

қилишнинг физик-кимёвий асослари ва технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. $\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$ таркибли юпқа плёнка асосидаги сенсор элементларини золь-гель жараёнлар асосида олинган наноматериаллардан фойдаланиб аммиакнинг концентрациясини аниқловчи селектив ярим ўтказгичли газ сенсори яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тетраэтоксисилан асосида газсезгир плёнка синтези жараёнининг қонуниятларини, жараённинг бошланғич компонентлари таркиби, ўзаро нисбати ва температура вақт режимини аниқлаш;

газсезгир материал ҳосил қилиш жараёни технологик кетма кетлигини ишлаб чиқиб, $\text{SiO}_2\text{:TiO}_2$ таркибли газсезгир материал олиш ва унинг асосида сенсор элементларини яратиш;

металл оксидларининг каталитик хоссаларини текшириш ва NH_3 ни аниқловчи ярим ўтказгичли сенсорлар учун селектив катализаторлар танлаш; NH_3 ни атмосфера ҳавоси ва технологик газлар таркибидан узлуксиз аниқловчи селектив ярим ўтказгичли сенсорлар яратиш, уларнинг барқарорлиги,

селективлиги ва юқори сезгирлигини таъминловчи оптимал шароитларини аниқлаш;

металл оксидлари ва тетраэтоксисилан асосида яратилган NH_3 ни аниқловчи ярим ўтказгичли сенсорнинг метрологик ҳамда аналитик тавсифларини аниқлаш.

ишлаб чиқилган сенсорларнинг лаборатория текширишларини ўтказиш ва ишлаб чиқариш шароитларида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб металл (Ti, Zn, Fe ва б.) оксидлари, минерал ўғитлар ва аммиак ишлаб чиқариш корхоналари чиқинди газлари, атмосфера ҳавоси ва стандарт газ аралашмалари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети титан ва темир оксиди асосида газсезгир наноккомпозит материаллар учун золь-гель синтези қонуниятларини ўрганиш ҳамда NH_3 ни селектив аниқловчи ярим ўтказгичли сенсорлар яратишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Ишда кондуктометрия, вискозиметрия, хроматография, потенциометрик титрлаш, фотоколориметрия ҳамда микроскопия ва дифференциал термик анализ сингари комплекс физик кимёвий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор газ аралашмалари таркибидан NH_3 нинг аниқловчи TiO_2 ва Fe_2O_3 асосидаги яримўтказгичли селектив газ сезгир материалларининг мақсадга йўналтирилган золь-гель синтези амалга оширилган;

$\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$ таркибли газ сезгир материални Fe_2O_3 билан модификациялаш уни NH_3 ни аниқлашдаги температура чегарасини пасайтириб, селективлигини ошириши аниқланган;

танланган газсезгир материаллар ва оптимал шароитлардан фойдаланиб, NH_3 ни H_2 , CO ва SO_2 иштирокида аниқлашнинг юқори сезгирлиги кўрсатилган;

7

газ аралашмалари айрим компонентларига нисбатан активликлари турлича бўлган катализаторлардан фойдаланилиб яримўтказгичли сенсорнинг NH_3 ни аниқлашдаги селективлиги аниқланган;

NH_3 ни аниқловчи $5\%\text{Fe}_2\text{O}_3\text{-}95\%\text{TiO}_2$ асосида тайёрланган яримўтказгичли сенсорнинг метрологик, аналитик, эксплуатацион ва бошқа кўрсаткичларига турли омилларнинг таъсири кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: газ муҳитидан NH_3 ни аниқловчи ярим ўтказгичли сенсорнинг юқори сезгирлигини таъминловчи конструкцияси таклиф этилган. Бу конструкциянинг минимал ўлчамлари уни механик таъсирга чидамлилиги кўрсатилди; селектив аниқловчи юқори сезгир ярим ўтказгичли сенсорлар газ муҳитидан H_2 , CO ва SO_2 иштирокида NH_3 учун қўлланишга тавсия этилди; ярим ўтказгичли сенсорлар ишлаб чиқариш шароитларида синовдан ўтказилган ва аммиакни аниқловчи анализатор таркибида қўлланишга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кондуктометрия, потенциометрия, газ хроматографияси, фотоколориметрия, микроскопия ва дифференциал термик анализ каби замонавий тадқиқот усулларида фойдаланиб олингани билан асосланади. Диссертация ишининг хулосалари математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишланган тажриба натижаларига асосланиб қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, газ сезгир материаллар золь-гель синтези қонуниятларини тадқиқ қилиш ва титан оксиди асосида селектив газсезгир нанокомпозит материаллар олиш жараёнининг оптимал шароитларини танлаш, ҳамда аммиакни аниқловчи селектив ярим ўтказгичли сенсорлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ЯЎС лардан фойдаланиб аммиакни кўп компонентли технологик газлар ва атмосфера ҳавоси таркибидан аниқлашнинг селектив усуллари яратишдан иборат. Ишлаб чиқилган сенсорлар атроф-муҳит объектлари назорати ва портлаш хавфи мавжуд бўлган қатор жараёнлар хавфсизлигини таъминлашдаги ижтимоий, экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат ва экология муаммоларини ечишда қўлланиладиган газсезгир нанокомпозит материаллар яратиш бўйича таклифлар асосида:

олинган самарадорлиги юқори бўлган аммиакни аниқловчи яримўтказгичли сенсорлар яратиш соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари натижалари Вена университетидан Institut fur Physikalische Chemie томонидан «Composite materials for chemical sensing» номли илмий лойиҳасида фойдаланилган (Institut fur Physikalische Chemie Universitat Wien (Вена)нинг 2016 йил 21 декабрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижалари кимёвий сенсорларни яратишда, аммиакни аниқловчи яримўтказгичли сенсорлар динамик ва калибровка тавсифларини текширишда ҳамда захарли газларни

8

аниқлаш учун аналитик ва физик-кимёвий усуллари қўллашни кенгайтиришда хизмат қилади;

селектив яримўтказгичли газсезгир материаллар яратиш натижасида тайёрланган ярим ўтказгичли сенсорлардан Ф-7-06 рақамли «Азот ва фосфор сақлаган бирикмалардан енгил ёнувчан материалларнинг ёнишини сусайтирувчи сифатида фойдаланишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш» илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 14 февралдаги ФТК-0313/703-сон маълумотномаси). Тайёрланган сенсорлар ёрдамида азот ва фосфор сақлаган, антипирен бирикмаларнинг ёниш жараёнини сусайтириш механизми ва кинетик қонуниятлари комплекс таҳлил этилган ҳамда матолар зичлигининг аланга тарқалиш тезлигига таъсирини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижасиларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижа

лари, жумладан 5 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 9 таси, жумладан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Золь-гель жараёнлардан фойдаланиб тайёрланган наноматериаллар асосидаги ярим ўтказгичли газ сенсорлари**» деб номланган биринчи бобида ярим ўтказгичли сенсор (ЯЎС) ларнинг тезкорлиги, сезгирлиги ва селективлигига газсезгир материал (ГСМ) таркибининг таъсири соҳасидаги тадқиқотлар системага келтирилиб, назарий аспекти таҳлил қилинган. Ярим ўтказгичли сенсорларнинг ишлаш принципи, уларнинг асосий тавсифи, қулайлик ва камчиликлари қараб чиқилган. Хорижий ва республикаимиз тадқиқотчиларининг ярим ўтказгичли сенсор селективгини оширишда катализаторлардан фойдаланиш натижалари соҳасидаги ишлари таҳлил қилинган. Адабиётларда келтирилган ишларнинг таҳлили ушбу ишнинг мақсади, вазифаси ва тадқиқот объектини танлашга имкон яратди.

Диссертациянинг иккинчи «**Аммиакни ярим ўтказгичли сенсорларини тайёрлашнинг золь-гель технологияси**» бобида металоксид газсезгир


9

плёнкаларнинг шаклланиш жараёни қонуниятлари ўрганилган. ЯЎС ларнинг қулайлиги уларнинг улчамларининг кичиклиги ва сезгирлигининг юқорилигида. Аммо уларнинг селективлиги аралашманинг айрим компонентларига нисбатан етарлича юқори эмас. Амалда ЯЎС нинг селективлигига ГСМ таркибига уни тайёрлаш босқичида катализатор киритиш ва сенсорнинг оптималъ температурасини танлаш орқали эришилади. ГСМ нинг селективлигини таъминловчи катализатор танлаш мақсадида металл оксидларини аммиакни ҳаво кислороди билан оксидлаш жараёнидаги активлиги текширилди. Олинган натижаларга кўра, аммиакни оксидлаш жараёнидаги текширилган оксидларнинг активлигининг камайиши қўйидаги қаторга мос: $\text{Fe}_2\text{O}_3 > \text{MnO}_2 > \text{CoO} > \text{Cr}_2\text{O}_3 > \text{NiO} > \text{V}_2\text{O}_5 > \text{CuO} > \text{MoO}_3$ (тажриба температураси 350

⁰С). Бу жараёнда активлиги юқори бўлган катализаторлар қаторига Fe_2O_3 , MnO_2 , CoO ва Cr_2O_3 киради. Кейинги тажрибалар шу оксидларнинг титан оксиди билан бинар аралашмалари иштирокида амалга оширилди. Ушбу тадқиқотлар Fe_2O_3 ва TiO_2 ни аммиакнинг оксидлаш жараёнида энг юқори активлик ва селективликка эга бўлишини кўрсатди.

Кейинги тажрибалар давомида компонентларнинг ўзаро нисбати ва температурани ёнувчи газларнинг оксидланиш жараёнидаги Fe_2O_3 ва TiO_2 аралашмаси активлиги ва селективлигига таъсири ўрганилди.

ГСМ ҳосил қилишнинг золь-гель технологик усули имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Fe_2O_3 ва TiO_2 нинг ўзаро нисбатлари 1:99 дан 10:90 гача бўлган диапазонда ўрганилди. Олинган натижалардан аммиакни аниқлаш жараёнида температура ва ГСМнинг энг оптимал кўрсаткичлари 350 ⁰С га ва $10\text{Fe}_2\text{O}_3 + 90\text{TiO}_2$ га мос келиши аниқланди ва бу шароитда аммиакнинг амалда тўлиқ (99,8%) оксидланиши кузатилади. Ўтказилган тажрибалардан селектив ЯЎС учун ГСМ сифатида $10\text{Fe}_2\text{O}_3 + 90\text{TiO}_2$ таркибли материал танланган. Бундай таркибга эга бўлган ГСМ аммиакни аниқлаш жараёни юқори селективлигини таъминлайди. Ишда цилиндрсимон пружина кўринишидаги қиздиргич ва унинг ичидан ўтган сигнални узатувчи қисмдан иборат ЯЎС сезгир элементининг конструкцияси таклиф этилган ва амалда фойдаланилган. Ишлаб чиқилган сенсорнинг ташқи қурилиши реакцион камера (1) ва унинг юқори қисмидан қопланган газ ўтказгич сетка (2) дан иборат (1-расм).



10


Сезгир элементнинг минималъ улчамлари унинг механик таъсирга чидамлилигини таъминлайди. Шиша билан қопланган платина симидан тайёрланган газсезгир элемент узлуксиз температура режимида аммиакни аниқлашда 50-70 мВт токдан фойдаланилади.

Бу ўз навбатида яратилган ЯЎСларнинг батария билан ишлайдиган кичик ўлчамли автоном асбобларда қўллашга имкон беради. $90\%\text{TiO}_2 - 10\%\text{Fe}_2\text{O}_3$ дан иборат газ сезгир қават қиздирувчи спирал юзасига золь-гель технология усулидан фойдаланиб қопланди. Фойдаланилган конструкция аммиакни

аниқловчи ЯЎС сигналининг барқарорлиги ва такрорланувчанлигини оширади. Сенсор сезгир элементи учун қиздиргич спираль тайёрлашда шиша билан қопланган платина толасидан (ТУ 610664-018) фойдаланилди. Ишлаб чиқилган сенсорнинг ташқи кўриниши (б) ва тайёрланган ЯЎС намуналари (б) 2-расмда келтирилган. Бундай кичик ўлчамли конструкция реакцион камеранинг ташқи муҳит билан осон газ алмашинувини таъминлаб, сенсорни газ анализаторнинг газ сезгир элементига жойлаштириш имконини беради.



2-расм. Ишлаб чиқилган сенсорнинг ташқи кўриниши (а) ва тайёрланган ЯЎС намуналари (б).



Ўзгармас ток манбаидан кучланиш берилганда сенсорнинг сигнали ($U_{\text{вых}}$) сезгир элементни

тоза ҳаво муҳитидаги ($U_{\text{в}}$) ва газ аралашмаси муҳитидаги ($U_{\text{г}}$) сигналлари фарқига ($U_{\text{вых}} = U_{\text{г}} - U_{\text{в}}$) тенг бўлади. Газсезгир қопламани тайёрлаш технологияси уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич ТЭОСнинг спиртдаги эритмасини тайёрлаш. Иккинчи босқич, золь таркибига кирувчи допант-модификаторнинг сувли эритмасини тайёрлаш. Бунинг учун тегишли миқдордаги титан тузи дистилланган сувда эритилади ва бу эритмага керакли миқдордаги 30 % ли хлорид кислота қўшилади. Учинчи босқич, барча компонентлари бўлган золни тайёрлаш. Бунинг учун биринчи эритмага аралаштириб турилган ҳолда иккинчи допант сақлаган эритма кам-камдан қўшилади. Газсезгир қават ва катализатор билан қоплаш махсус қурилмада амалга оширилади. Бу жараёнда титан оксидидан иборат қопламанинг тузилиши ва қалинлигининг бир хил бўлиши назорат қилинади.

Диссертациянинг «Газсезгир наноконпозицион пленка синтезида ТЭОС ни гидролитик поликонденсациясини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида аммиакнинг ЯЎС учун ТЭОС ва TiO_2 асосида газсезгир материалнинг шаклланиш жараёни қонуниятлари ўрганилган. TiO_2 асосида наноконпозит пленка ҳосил қилувчи бошланғич эритманинг таркиби ТЭОС, сув, органик эритувчи, катализатор ва тегишли металл тузидан иборат. ГСМ синтезидаги муҳим параметрларга бошланғич моддалар концентрацияси, температура, pH ва компонентларни аралаштириш усули киради. Шу сабабли тажрибаларда ТЭОС

асосида допант қўшилган ва допантсиз эритма хоссаларига юқоридаги параметрларнинг таъсири ўрганилган. Газсезгир материал синтезининг золь гель технология жараёнини оптималлаштиришда бошланғич моддаларнинг ўзаро нисбати: $\text{Si}(\text{OC}_2\text{H}_5)_4:\text{H}_2\text{O}:\text{ROH}:\text{HX}=(1-4):(1-40):(1-45):(0,01-0,3)$, оралиғида

ўзгартирилди. Бунда ROH–оддий спиртлар, НХ–кислота. Органик эритувчи сифатида ТЭОС ва кўпчилик тузларнинг яхши эритувчиси бўлган алифатик спиртлар (этанол, пропанол-2 и изо-бутанол) дан фойдаланилди. Ўрганилган диапазонда эритувчи таркибига боғлиқ бўлмаган ҳолда эритмадаги спирт миқдорининг ортиши унинг қовушқоқлиги ва зичлигининг камайишига олиб келади. Этанол сақлаган эритманинг қовушқоқлигининг ўзгариш кинетикасининг гелъ ҳосил бўлиш жараёни давомийлигига боғлиқлиги 3-расмда келтирилган.

8,0

3-расм. C₂H₅ОН/ТЭОС нинг турли нисбатларидаги эритма қовушқоқли

Эритма қовушқоқл, сПа ² - 15 моль C ₂ H ₅ ОН		Этанол муҳитидаги эритма барқарорлигининг максимал қиймати C ₂ H ₅ ОН/ТЭОС ни 30 га тенг бўлган нисбатига мос. Бу нисбатда эритма 450 соат давомида ўзининг барқарорлигини
7,0 -6,0	4,0 -3,0 -2,0 -1,0	
5,0	0	
1- 1 моль C ₂ H ₅ ОН 1	2 ₄ 3	
3- 30 моль C ₂ H ₅ ОН 4- 45 моль C ₂ H ₅ ОН		
гининг тажриба давомийлигига боғлиқлик графиги.		
Эритмадаги миқдори (молларда): ТЭОС-1; сув-20;	100 200 300 400 500 600 Тажриба давомийлиги, соат	
	НС1-0,05.	

сақлаб қолади ва шу вақт давомида ундан ЯЎСнинг газсезгир элементини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Эритмадаги сув миқдорини унинг хоссаларига таъсирини ўрганиш атижалари 1-жадвалда келтирилган. **1-жадвал.**

Газ сезгир плёнка ҳосил қилувчи ТЭОС-Н₂О-НСl- этанол таркибли аралашмадаги сув миқдорининг эритманинг хоссаларига таъсири

№ т/р	Эритманинг таркиби, моль				Эритманинг хоссалари		
	ТЭО	2О	НС1	i-бутанол	Зичлиги, г/см ³	Электр ўтказувчанлиги, мСм.	Қовушқоқлиги, сПа
1	1	1	0,05	30	0,8248	9,6	1,7
2	1	10	0,05	30	0,8365	10,4	2,1
3	1	20	0,05	30	0,8578	16,5	2,3
4	1	30	0,05	30	0,8631	18,5	2,4
5	1	4	0,05	30	0,8684	20,0	2,6

		0					
--	--	---	--	--	--	--	--

Эритманинг максимал барқарорлиги 445 соатни ташкил этади ва у $\text{H}_2\text{O}/\text{TЭОС}=20$ нисбатга мос келади. Эритмадаги ТЭОС миқдорини 1-4 моль диапазонида золнинг барқарорлигига таъсирини ўрганиш натижалари ГСМ синтезини эритмадаги ТЭОС миқдорини 1 мольга тенг бўлган паст концентрациясида олиб бориш эритманинг юқори барқарорлигини таъминлашини кўрсатди. ТЭОСнинг эритмадаги бундай концентрацияси

12

барқарорлиги юқори бўлган бир жинсли, седиментация белгилари бўлмаган гел олишга имкон беради.

Эритма муҳити (рН) қийматини унинг барқарорлигига таъсирининг ТЭОС:НС1 нисбатини 1:0,01 моль миқдордан 1:0,30 моль миқдоргача бўлган оралиғида ўрганилди. Тажриба натижалари эритмада 1 моль ТЭОСга мос НС1 миқдори 0,05 моль миқдорга тенг бўлган ҳолат энг ортимал нисбат эканлиги аниқланди. Кислота концентрациясининг ортимал қийматдан ортиши билан эритманинг барқарорлиги камаяди. ГСМ олишда энг ортимал ҳолат $\text{НС1}:\text{ТЭОС}=0,05$ нисбатига мос бўлиб, бу нисбатда эритманинг энг юқори 450 соатлик барқарорлиги таъминланади. Плётка ҳосил қилувчи эритманинг таркиби ва компонентлари нисбатини золнинг гелга айланиш жараёни кинетикасига таъсирини ўрганиш натижасида бошланғич эритманинг барқарорлигини таъминловчи энг ортимал нисбатлар аниқланди. Тажрибаларда бошланғич компонентлар нисбати $\text{ТЭОС}:\text{H}_2\text{O}:\text{спирт}:\text{НС1}=1:20:30:0,05$ бўлган эритманинг барқарорлиги энг юқори қийматга эга бўлди.

Силикат матрицага TiO_2 киритилиши, аммиакнинг ЯЎС учун сезгирлиги юқори бўлган селектив газсезгир нанокомпозит материал олишга имкон беради. TiO_2 манбаси сифатида TiCl_4 тузидан фойдаланилди. Тадқиқотлар давомида допант таркибини плётка ҳосил қилувчи эритманинг қовушқоқлиги ва барқарорлигига таъсири текширилди. Натижалардан допантли эритманинг динамик қовушқоқлиги (2,6-3,8 сПа) допантсиз эритманинг қовушқоқлигига (2,1 сПа) нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Допант сақлаган эритмаларнинг барқарорлиги худди шундай таркибли допантсиз эритманинг барқарорлигига нисбатан кичик бўлиши кузатилди.

Газсезгир плёнканинг синтези жараёнида эритма температурасининг унинг хоссасига таъсири атмосфера босимида температуранинг 20-60°C диапазонида ўрганилди. Олинган натижалардан температурани 20 дан 40°C гача ортиши эритманинг барқарорлигини 2,5 мартага қисқаришига олиб келишини кўрсатди.

Тажрибаларда ГСМ синтезини назорат қилиш учун вискозиметрия билан бирга кондуктометрия усули ҳам қўлланилди. Допантли ва допантсиз эритмаларнинг етилиш жараёни кинетикасини кондуктометрик усулда кузатиш қўшилувчи компонент таркиби ва миқдорини ўзгартириш натижасида плётка ҳосил қилувчи эритманинг гидролиз ва поликонденсация жараёни тезлигини

ўзгартириш ҳисобига унинг юқори барқарорлигини таъминлаш мумкинлигини кўрсатди. Инерт юзани плёнка билан қоплаш, қопланадиган намунани плёнка ҳосил қилувчи эритмага ботириш орқали амалга оширилди. ТЭОС асосида тайёрланган плёнканинг ўзига хос хусусияти, эритувчи буғлатилгандан сўнг инерт таглик юзасида Ti оксидидан иборат модификацияловчи бирикма молекулалари бир хил тарқалган полисилоксан матрицадан ташкил топган ксерогель плёнка ҳосил бўлишида. Плёнкани шакллантириш уни $20 - 120^{\circ}C$ да (60 минут давомида) қуришти ҳамда $370, 450$ ва $550^{\circ}C$ да термик ишлов бериш орқали амалга оширилди. TiO_2 асосида олинган плёнкага термик ишлов бериш ҳар бир температурада 25-30 минут давомида амалга оширганда энг яхши натижага эришилди. Термик ишлов бериш вақтини ундан ортиши плёнканинг ғовақлик даражасининг камайишига сабаб бўлади. Ўтказилган тадқиқотларга асосан

13

хулоса қилган ҳолда золь-гель усулда олинган материалларнинг хоссалари кўпчилик ҳолда аралашманинг бошланғич таркиби ва плёнкани олиш шароитига боғлиқ эканлигини таъкидлаш зарур.

Диссертациянинг «**Аммиакни аниқловчи ярим ўтказгичли сенсорнинг метрологик тавсифи**» номли тўртинчи бобида аммиакнинг ЯЎСини метрологик кўрсаткичлари ўрганилган. ишлаб чиқилган аммиакни ЯЎСи электроника нуқтаи назаридан битта тагликка жойлаштирилган иккита резистрдан иборат. Улардан бири қиздиргич, иккинчиси эса сезгир элемент вазифасини ўтайди. Сенсорнинг сезгир элементи Si , Ti ва Fe оксидларидан золь-гель технология усулида тайёрланган. Золь-гель технология усулида олинган SiO_2/TiO_2 таркибли плёнка катализатор бир текисда тарқалувчи матрица ролини ўтайди. ГСМнинг хоссасини яхшилаш учун SiO_2-TiO_2 таркибли плёнка юзаси Fe_2O_3 билан модификацияланди. Тайёрланган ЯЎСнинг газсезгир элементи ТО-5 ёки ТО-8 типигаги корпусга жойлаштирилди. NH_3 ни аниқловчи ЯЎСнинг ишлаш принципи аралашма таркибидаги NH_3 таъсирида ГСМни электр ўтказувчанлигининг ўзгаришига асосланган. ГСМга кислород адсорбцияланганда электронлар плёнкадан кислородга ўтади. Бунинг натижасида яримўтказгич доначалари орасидаги электронлар ўтувчи йўлак қисқариб (ёки бутунлай ёпилиб), ГСМнинг электр ўтказувчанлиги камаяди. Газ муҳитида NH_3 бўлганда унинг плёнка юзасидаги зарядланган кислород билан кўйидаги (1) тенгламага мос ўзаро таъсирлашуви натижасида электронлар ажралиб чиқади ва бу электронлар ярим ўтказгич юзасига ўтиб ГСМни электр ўтказувчанлигини оширади. $2NH_3 + 3O^- \rightarrow 3H_2O + N_2 + 3e^-$. (1). ЯЎСнинг тоза ҳаво ва NH_3 ли аралашма муҳитидаги электр ўтказувчанлиги фарқидан фойдаланиб NH_3 миқдори аниқланади. ЯЎСни ГСМи температура-тураси унга бериладиган кучланиш ёрдамида таъминланади. ГСМ температурасини сенсорга бериладиган ток кучланиши қийматига боғлиқлик графиги 4- расмда келтирилган.



4-расм. Ярим ўтказгичли сенсор газсезгир материали температура сини унга бериладиган ток кучланишига боғлиқлик графиги.

Графикдан ўрганилган диапазонда температурани сенсорга бериладиган ток кучланишига пропорциональ равишда ортишини кўрамиз. Қиздиргичнинг оптималь температура қиймати сенсорнинг NH_3 га нисбатан сезгирлигининг

14

максималь қиймати билан белгиланади. NH_3 ни аниқловчи сенсор сезгирлигига температуранинг таъсири 50 дан 500 $^{\circ}\text{C}$ гача бўлган диапазонда ўрганилди. 5-расмдан сенсор ГСМининг NH_3 га нисбатан максималь сигнали температуранинг 350 $^{\circ}\text{C}$ қийматига мос келишини кўрамиз. Температуранинг 350 $^{\circ}\text{C}$ дан паст ёки юқори бўлиши сенсорнинг сигналини камайишига олиб келади.

2,5

$\frac{U}{U_0}$, нис. бр.

Сигнал,
2,0 -1,5 -1,0 -0,5

0
100 200 300 400 500
Температура ГСМ,
 $^{\circ}\text{C}$

5-расм.
Сенсорнинг
аммиак бўйича

сигналининг
унга
бериладиган
температура
қийматига

боғлиқ лиги
(ГСМ таркиби:
90% TiO_2 +10%
Fe O)

Бунга сабаб температуранинг 350 дан паст қийматларида реакция маҳсулотлари десорбцияланишининг камайиши натижасида пленка юзасида кислородни адсорбцияловчи марказлар сонининг қисқариши, температуранинг 350 дан юқори қийматларида эса кислород ва аммиакнинг актив юзаларга адсорбциясининг қийинлашиши бўлиши мумкин. Тажрибалардан таркиби $\text{SiO}_2/\text{TiO}_2+10\%\text{Fe}_2\text{O}_3$ дан иборат ГСМнинг NH_3 га нисбатан максималь сигналини таъминловчи қиздиргичнинг оптималь температураси (350 $^{\circ}\text{C}$) унга бериладиган кучланишнинг 2,5В га тенг қиймати мос келиши аниқланди.

ЯўСнинг динамик курсатгичлари махсус қурилмада текширилди. Тажрибаларда таркибида 50мг/м³ NH_3 сақлаган газ аралашмасидан

фойдаланилди. Бир вақтнинг ўзида сенсор сигналининг максималъ қийматига ($t_{\text{макс.}}$) ва бошланғич ($t_{\text{норм}}$) қийматига эришиш учун сарф бўладиган вақт аниқланди. Сенсорнинг динамик параметрларини аниқлаш натижалари унинг сигналининг максималъ қийматига етишиш вақти 15 секундга, бошланғич қийматигача қайтиш вақти эса 22 секундга мос келишини кўрсатди. NH_3 ни аниқловчи сенсор сигналини NH_3 нинг аралашмадаги миқдорига боғлиқлик графиги 6-расмда келтирилган.

4,0

3,5

Сигнал, $\sigma_{\text{аз}}^{\text{Г}}/\sigma^{\text{О}}$
2,5

2,0

1,5

1,0

100 500

аралашмадаги аммиак миқ дорига


6-расм. Сенсор сигналининг боғлиқлик графиги (тажриба температураси – 350 °С ГСМ таркиби $\text{SiO}_2/\text{TiO}_2 + 10\% \text{Fe}_2\text{O}_3$).

1000

Аралашмадаги аммиак миқдори, з

15

Расмдан NH_3 концентрациясининг 20 мг/м³гача бўлган оралиғида сенсор сигналининг аралашмадаги NH_3 миқдорига боғлиқлиги эгри чизикли қурилишга эга бўлишини, 20дан 1000мг/м³ бўлган диапазонда эса бу боғланиш тўғри чизикли характерга эга эканлигини кўрамиз. Ишлаб чиқилган ЯЎС ёрдамида NH_3 нинг аниқланиши мумкин бўлган энг кам миқдори 5,0 мг/м³га тенг. Ишлаб чиқилган ЯЎСда NH_3 ни аниқлашнинг селективлигини таъминлаш температура ва катализатор танлаш орқали амалга оширилди. Сенсорнинг с



Сигнал $\sigma_{\text{аз}}^{\text{Г}}/\sigma^{\text{О}}$, нисб.бр.

7-расм. Титан ва темир оксидлари асосида тайёрланган ЯЎСларнинг селективлигини ўрганиш натижалари.

Тажрибалар 350 °С да стандарт аралашмалар иштирокида олиб борилди. Олинган натижалардан (расм 7) $\text{SiO}_2/\text{TiO}_2 + 10\% \text{Fe}_2\text{O}_3$ таркибли ГСМ ни NH_3 га нисбатан сезгирлиги юқори эканлиги аниқланди. Ушбу сенсор CO (380мг/м³), H_2 (460мг/м³) ва CH_4 (450мг/м³)нинг иштирокида NH_3 нинг жараёни селектив аниқлайди. Келтирилган натижалардан ишлаб чиқилган селектив ЯЎСларнинг концентрацияни кенг оралиғида NH_3 ни атмосфера ҳавоси ва технологик газ

аралашмалари таркибидан CO , H_2 ва CH_4 иштирокида селектив аниқлашини кўрсатади. Сенсор сигналининг барқарорлиги 1440 соатлик тажрибалар давомида текширилди ва ўрганилган вақт диапазонида сигнали қийматининг барқарор сақланиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал.

$\text{SiO}_2/\text{TiO}_2+10\%\text{Fe}_2\text{O}_3$ таркибли ГСМ асосида тайёрланган сенсор сигнал қийматининг барқарорлиги ($n=5$, $P=0,95$)

Вақт, соат	Ташқи муҳит параметрлари		NH_3 инг аралашмада ги миқдори мг/м^3	NH_3 ни аниқланган миқдори, мг/м^3		
	Темпер-ра, $^{\circ}\text{C}$	Босим, мм.см.уст		$x \pm \Delta X$	S	$S_r \cdot 10^2$
1	20,5	733	500	495 ± 5	4,02	0,61
10	20,5	733	500	501 ± 4	3,22	0,49
100	20,4	746	500	507 ± 5	4,02	0,61
500	20,0	740	500	491 ± 6	4,82	0,73
1000	20,7	736	500	500 ± 5	4,02	0,61
1200	20,1	741	500	502 ± 4	3,22	0,49
1440	20,5	740	500	498 ± 5	4,02	0,61

Шундай қилиб, ўтказилган тажрибалар натижасида аммиакни концентрациянинг кенг оралиғида турли технологик газлар ва атмосфера

16

хавоси таркибидан селектив аниқловчи ЯЎС яратилди. Ушбу сенсор экспресс, кичик ўлчамли, тайёрлаш ва ишлатишдаги оддийлигини сақлаган ҳолда аниқлиги ва сигнал қийматини такрорланувчанлиги билан ўзининг чет элларда чиқариладиган аналогларидан қолишмайди. Сенсорнинг сигнал қийматининг унинг фазодаги жойлашуви ва бурилиш бурчагига боғлиқ эмас.

Диссертациянинг «Аммиакни аниқловчи ярим ўтказгичли автоматик газанализатор яратиш» деб номланган бешинчи бобида NH_3 нинг юқори

сезгир автоматик анализаторини яратиш ва унинг метрологик ҳамда аналитик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. NH_3 ни аниқлашда ярим ўтказгичли анализаторлар нисбатан юқори сезгирлиги билан характерланади. ЯЎСдан фойдаланиб, аммиакни турли газ аралашмалари таркибидан аниқловчи юқори сезгир анализатор («ВГ- NH_3 ») ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган анализаторларнинг аниқлаш диапазони $0-100\text{мг/м}^3$ (атмосфера ҳавоси мониторинги учун анализатор) ва $0-2,5$ хаж. % га (аммиакнинг газ аралашмалари таркибидаги портловчан концентрацияси назорати учун анализатор) тенг. Ишлаб чиқилган анализатор концентрациянинг кенг оралиғида аммиакни $0,1\text{мг/м}^3$ аниқлик билан топишга имкон беради. Тадқиқотлар давомида анализаторларнинг аммиакни аниқлаш диапазони, асосий хато қиймати, вариацияси ва ташқи муҳит параметрлари таъсирида юзага келувчи қўшимча хато қийматлари ўрганилди. «ВГ- NH_3 » NH_3 концентрациясининг $0-100\text{ мг/м}^3$ ва $0-2,5$ хаж. %, диапазонида лаборатория шароити ва реал шароитларда текширувдан ўтказилди.

Текширишларда аниқлаш диапазони $0-100\text{ мг/м}^3$ ва $0-2,5$ хаж.% оралиғида бўлган 5 тадан анализаторда ўтказилди. «ВГ- NH_3 »нинг аниқлаш диапазони ва асосий хато қиймати унга турли концентрацияли NH_3 ҳаво аралашмаларини қуйидаги: № 1-2-3-3-1-3, тартибида юбориш орқали текширилди. Газ аралашмалари таркибидаги NH_3 миқдори:(мг/м^3): №1-9,8; №2-52,4; №3-97,9 ва (хаж. %): №1-0,11; №2- 1,25; №3-2,44 га тенг. Барча тажрибалар 5 мартадан такрорланди.

Аниқлаш диапазони $0-100\text{ мг/м}^3$ ва $0-2,5$ хаж.%. бўлган ВГ- NH_3 нинг сигналининг концентрацияга боғлиқлигини ўрганиш текширилган диапазонда сигналнинг концентрацияга боғлиқлиги тўғри чизикли характерга эга эканлигини кўрсатди. Анализаторнинг текширилган нукталардаги асосий абсолют хато қиймати (2) тенглама билан топилади.

$$\Delta = A_i - A_0 \quad (2)$$

Бунда A_i -компонентнинг тегишли нуктадаги анализатор ёрдамида аниқланган концентрацияси; A_0 - аниқланувчи компонентнинг газ аралашмаси таркибидаги ҳақиқий қиймати. Анализаторнинг асосий келтирилган хато қиймати NH_3 концентрациясининг анализатор ёрдамида топилган ва ҳақиқий қийматлари фарқи асбобнинг аниқлаш диапазониға нисбатига тенг.

$$\gamma = A_i - A_0 / C_k - C_n \quad (3)$$

Бундаги $C_k - C_n$ NH_3 ни газ муҳитидан аниқланувчи бошланғич ва охириги концентрация чегаралари. ВГ- NH_3 нинг аниқлаш хатосини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Ушбу диапазонларда анализаторнинг келтирилган хато қиймати тегишлича $1,2\%$ ва $1,8\%$ га тенг (3-жадвал).

Газоанализатор ВГ-NH₃ нинг асосий абсолют ва келтирилган хато қийматларини аниқлаш натижалари (n = 5, P= 0.95)

Аралаш мадаги NH ₃ миқдори, мг/м ³	ВГ-NH ₃ 0-100 мг/м ³			Аралаш мадаги NH ₃ миқдори, % об	ВГ-NH ₃ 0-2,5 хаж.%		
	NH ₃ нинг аниқланган миқдори, мг/м ³	Асосий абсолют хато, (Δ)	Асосий келтирилган хато, (γ)		NH ₃ нинг аниқланган миқдори, мг/м ³	Асосий абсолют хато, (Δ)	Асосий келтирилган хато, (γ)
9.8	9.8	0.3	0.6	0.14	0.13	0.01	0.4
52.4	51.6	0.8	1.6	1.28	1.26	0.02	0.8
97.9	97.0	0.9	1.8	2.41	2.38	0.03	1.2

ВГ-NH₃нинг аниқлаш жараёни вариациясини ўрганиш нормал шараитларда анализаторга № 1; 2 ва 3 рақамли стандарт газ аралашмаларини юбориш орқали амалга оширилди. Асбобнинг вариацияси (В) қўйидаги 6 чи тенглама ёрдамида аниқланди.

$$B = A_{\max} - A_{\min} \quad (4).$$

Бундаги $A_{\max}$ ($A_{\min}$)– NH₃ нинг аралашмадаги ўзгармис концентрациясига мос анализатор сигналининг NH₃концентрациясининг юқоридан пастга ва пастдан юқорига ўзгариши натижасида аниқланган қиймати. Текшириладиган нуқталарда $B < B_g$ таъминланса асбоб вариация бўйича талабга жавоб берган хисобланади. B_g –сигналнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган вариация қиймати.

Газоанализатор ВГ-NH₃ сигналининг тажрибада аниқланган вариацияси шу типдаги асбобларга давлат стандарти томонидан рухсат этилган вариация қийматидан кичик. Ишлаб чиқилган анализаторнинг селективлиги стандарт газ аралашмалари ёрдамида CO, CH₄ ва H₂ иштирокида текширилди. ВГ-NH₃ нинг селективлигини ўрганиш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Аммиакни аниқловчи автоматик анализатор ВГ-NH₃ нинг селективлигини ўрганиш натижалари(n=5, P=0.95)

Газ аралашмаси таркиби, % об	Аммиакни аниқланган миқдори, % об.					
	ВГ-NH ₃ -1		ВГ-NH ₃ -2		ВГ-NH ₃ -3	
	$x \pm \Delta x$	Sr10 ₂	$x \pm \Delta x$	Sr10 ₂	$x \pm \Delta x$	Sr10 ₂

NH ₃ -1.23+возд. (ост.)	1.20±0.0 2	1.34	1.16±0.0 2	1.39	1.21±0.0 2	1.3 2
NH ₃ -1.41+H ₂ -2.0+возд.(ост.)	1.35±0.0 2	1.19	1.38±0.0 2	1.17	1.35±0.0 3	1.7 9
NH ₃ 1.09+CO-2.25+возд (ост)	1.09±0.0 2	1.48	1.10±0.0 3	2.19	1.06±0.0 2	1.5 2
NH ₃ 1.51+CH ₄ 1.88+возд(ост)	1.48±0.0 3	1.63	1.48±0.0 3	1.63	1.49±0.0 3	1.6 2

Келтирилган натижалардан текшириладиган аралашма таркибида бўлган 2,25 % гача CO, 2,0 % гача H₂ ва 1,88 % гача бўлган CH₄ анализаторнинг NH₃ни аниқлаш хатосига сезиларли таъсир этмаслигини кўрамиз. Келтирилган компонентлар иштирокидаги анализаторнинг аниқлаш хатоси 1% дан ошмайди.

18

Анализаторнинг температуранинг ўзгариши ҳисобидан юзага келувчи хато қийматини текшириш температуранинг -10 °Сдан +60 °С гача бўлган диапазонда амалга оширилди. Газ муҳити температурасининг асбобнинг қўшимча хато қийматига (% да) таъсири 5-тенглама ёрдамида аниқланади.

$$\gamma_{\text{доп}} = \gamma_{\text{осн}} - \gamma_{\text{норм}} \quad (5).$$

Ўрганилган диапазонда олинган натижалар температуранинг -10 дан +60 °С диапазонда ўзгариши натижасида юзага келувчи хато қиймати 1,5 % дан ошмаслигини ва асбобнинг рухсат этилган асосий хато қийматидан анча кичик эканлигини курсатди..

Анализаторнинг қўшимча хато қийматига босимнинг таъсири 650–850 мм см.уст. оралиғида таркибида 75мг/м³ NH₃ сақлаган 4чи рақамли газ аралашмаси мисолида ўрганилди. Ушбу диапазонда босимни ўзгариши ҳисобига юзага келувчи қўшимча хато қиймати 02-0,5 % га тенг ва асбобнинг асосий хато қийматидан анча паст.

Анализаторнинг намлик таъсирида юзага келувчи хатоси қиймати нармал шароитларда олинган бир хил концентрацияли намланган ва намланмаган газларга нисбатан аниқланган сигналлари фарқи сифатида топилди. Намликнинг асбоб хатосига таъсирини ўрганиш буйича тажрибалар қуйидаги тартибда олиб борилди. Анализатор сигналига намликнинг таъсирини ўрганиш газ аралашмасидаги намликнинг 50-90 % оралиғида амалга оширилди ва ўрганилган диапазондаги намлик таъсирида юзага келувчи асбобнинг аниқланган қўшимча хато қиймати унинг асосий хато қийматига нисбатан кичик (0,5–0,9 мг/м³ ёки 1,0 -1,8%) бўлиши аниқланди. Асбобни умумий қўшимча хато қиймати айрим параметрлар таъсирида юзага келувчи хатолар йиғиндиси сифатида ушбу 7-тенглама ёрдамида аниқланади.

$$\gamma_{\text{доп}} = \pm \sqrt{\gamma_{1\text{доп}}^2 + \gamma_{2\text{доп}}^2 + \gamma_{3\text{доп}}^2} \quad (7)$$

Бундаги $\gamma_{1\text{доп}}^2$, $\gamma_{2\text{доп}}^2$, $\gamma_{3\text{доп}}^2$ – қийматлар турли факторлар таъсирида юзага келувчи қўшимча хатолар. 13320-81 рақамли давлат стандарти талабига кўра асбобнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган қўшимча хато қиймати унинг асосий хато қийматининг икки баробаридан кичик бўлиши керак.

Аралашма температураси, босими ва намлигини ўрганилган диапазонларда ўзгариши ҳисобига юзага келувчи хато қиймати $\pm 1,15\%$ га тенг. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида NH_3 ни газлар аралашмасидан узликсиз аниқловчи юқори сезгир автоматик анализатор ВГ- NH_3 яратилган. Аммиакни аниқлаш жараёнида ишлаб чиқилган юқори сезгир селектив анализаторни асосий метрологик ва эксплуатацион тавсифи ўрганилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Концентрация ва температуранинг кенг оралиғида тетраэтоксисилан (TЭОС) асосида ярим ўтказгичли газсезгир материал шаклланишининг золь-гель жараёни кинетикасига бошланғич эритма компонентлари таркиби ва ўзаро нисбатининг таъсири ўрганилган. Таркиби $\text{TЭОС}:\text{H}_2\text{O}:\text{этанол}:\text{НСl}=1:20:30:0,05$ га мос келувчи эритманинг барқарорлигининг энг юқори бўлиши аниқланган. $\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$ таркибли газсезгир пленка синтезининг оптимал температура ва вақт

19

режими (450°C ва 30 мин.) танланган. Тадқиқот натижаларидан NH_3 нинг юқори сезгир сенсори учун газсезгир материал олишнинг золь-гель жараёнини бошқариш усули тавсия этилди.

2. Золь-гель технология усулида титан ва темир оксидлари асосида газсезгир материалларни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган. NH_3 нинг селектив сенсорларини яратиш учун $\text{TiO}_2\text{-Fe}_2\text{O}_3$ таркибли юпқа пленка намуналари олинган. Плёнканинг тузилиши икки қаватли қопламадан иборат бўлиб, биринчиси тагликни қопловчи-тўлиқ ва узлуксиз бўлиши бошланғич золнинг таркибига боғлиқ бўлган TiO_2 асосидаги қатлам, иккинчи қават эса асосан катализатордан Fe_2O_3 дан иборат қатлам.

3. Газ сенсорларнинг ривожланиш тенденцияси ва техник ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда сезгир элементи юзаси золь-гель технология усулида титан ва темир оксидлари асосидаги газсезгир материал билан қопланган, шиша қатламли платина симидан тайёрланган спиралдан иборат NH_3 ни аниқловчи сенсорнинг конструкцияси таклиф этилган ва амалда қўлланилган. Сезгир элементининг ўлчамлари ва сигнални узатувчи платина материалнинг паст иссиқлик ўтказувчанлиги сенсорга бериладиган кучланишни 100 мВт гача пасайтиришга имкон яратди. Бу эса сенсорлардан кичик ўлчамли, батареяда автоном ишловчи асбоблар тайёрлашда фойдаланишга имкон беради.

4. Селектив ярим ўтказгичли сенсорлар учун катализатор танлаш мақсадида ёнувчи моддаларнинг металл оксидлари иштирокидаги оксидланиш қонуниятлари ўрганилган. Тажрибалар натижасида таркибида газ

аралашмаларига нисбатан турлича активликка эга бўлган, катализатор сақлаган газсезгир материаллардан фойдаланиб, юқори селектив ярим ўтказгичли сенсорлар яратиш имконияти тасдиқланган. NH_3 ни оксидлаш жараёнида 5% Fe_2O_3 - 95% TiO_2 таркибли аралашма энг юқори активлик ва селективликка эга бўлиши аниқланган. Ушбу катализаторлар иштирокида 350 °C температурада NH_3 тўлиқ (100 % - гача) оксидланиши кузатилади.

5. NH_3 ни заҳарли, енгил алангаланувчан ва портловчан газлар аралашмаси таркибидан аниқловчи юқори селектив ва сезгир ярим ўтказгичли сенсорлар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган селектив ярим ўтказгичли сенсорларнинг NH_3 ни аниқлаш жараёнидаги асосий эксплуатацион ва метрологик тавсифи баҳоланган. Ушбу сенсорлар концентрациянинг кенг оралиғида NH_3 ни аниқлашга имкон беради ва юқори метрологик ҳамда эксплуатацион тавсифга эга.

6. Кичик ўлчамли автоматик ярим ўтказгичли сенсорлар нинг тажрибавий намуналари яратилган. Ушбу сенсорлар саноат чиқинди газлари ва ёпик экологик системалар атмосфера ҳавоси таркибидан NH_3 нинг узлуксиз автоматик анализига қўлланилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.14.07.2016.K.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУРАХМАНОВ ИЛХОМ ЭРГАШБАЕВИЧ

СОЗДАНИЕ СЕЛЕКТИВНЫХ ГАЗОВЫХ СЕНСОРОВ АММИАКА С

ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ НАНОМАТЕРИАЛОВ, ПОЛУЧЕННЫХ С ПРИМЕНЕНИЕМ ЗОЛЬ-ГЕЛЬ ПРОЦЕССА

02.00.02 - Аналитическая химия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2017

21

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/K4**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме))
размещен на веб-странице по адресу ik-kimyo.nuu.uz. и информационно-образовательном
портале «ZIYONET» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель

Кабулов Бахадир Джаббарович
--

доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рузимурадов Олим Нарбекович доктор химический

наук, доцент

Турабов Нурмухаммат Турабович

кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «____» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, НУУз, химический факультет. Тел.: (99871)246-07-88, (99871)277-12-24; факс: (99871) 246-53-21. E-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № _____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100174, Ташкент, ВУЗгородок, Фундаментальная библиотека НУУз. Тел: (99871)246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2017 г.
(протокол рассылки № ____ от _____ 2017 г.)

Х. Т. Шарипов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д. А. Гафурова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

З. А. Сманова

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в ускоренном развитии промышленности во всем мире, решении экологических проблем, особенно проблемы мониторинга атмосферного воздуха, возникающей в результате интенсивного развития химии, нефти и газовой химии применение селективных методов и чувствительных сенсоров становится актуальной проблемой. Полупроводниковые сенсоры относятся к числу чувствительных приборов, основными преимуществами которых являются простота в эксплуатации, портативность, значительный ресурс работы, высокая точность и быстроедействие.

За годы независимости в Республике введены новые промышленные предприятия, использующие современные технологии, проводится модернизация производства ряда новых продуктов для различных отраслей промышленности.

Значительно важным в сенсорике являются полупроводниковые газочувствительные материалы на основе SnO_2 , TiO_2 , ZnO , In_2O_3 , MoO_3 , Fe_2O_3 , WO_3 и V_2O_5 , широко применяемые на этих предприятиях при организации мониторинга смеси газов. Особое место занимают TiO_2 и Fe_2O_3 из которых на основе золь-гель технологий получены газочувствительные материалы (ГЧМ), являющиеся по своим параметрам весьма перспективными. Для дальнейшего развития Республики Узбекистан соответствии стратегии действия развития отрасли химической промышленности, в частности, создание на основе золь-гель технологии селективных полупроводниковых газовых сенсоров имеет актуальное значение.

С развитием различных отраслей экономики особенно автотранспорта, энергетики и промышленности в мировых масштабах ужесточаются требования к экологическому мониторингу атмосферного воздуха. В связи с этим, усовершенствование существующих методов и приборов, разработка новых высокочувствительных полупроводниковых сенсоров, научное обоснование процессов получения селективных газочувствительных материалов и др. являются актуальным. Из них особое внимание уделяется изучению закономерностей золь-гель технологии получения полупроводниковых материалов, определению оптимальных параметров процесса, разработке высокоэффективных полупроводниковых сенсоров и определению их метрологических, аналитических и эксплуатационных характеристик.

